

бу маъноларни сақлашнинг ажралмас шарт билан етказиш зарурлигини англатади. Шу муносабат билан, Л.Л.Нелюбин таъкидлайди: “Таржима асл матннинг маъносини сақлаб қолган ҳолда ўзгариши бўлгани учун, таржимон бошқа тилда маълум бир маъно ифодалашнинг эквивалент шакллари топишга ҳаракат қилиши керак”.<sup>1</sup>

Хуллас, “аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла акс эттирадиган таржима матнини яратиш учун таржимон ҳам талантли бадий сўз устаси, ҳам истеъдодли таржимашунос олим бўлиши керак”.<sup>2</sup> Мажозий воситалар таржималарини ўрганиш ва уларни илмий ва танқидий таҳлил қилиш асл нусханнинг баъзи жиҳатларини, маълум бир миллатнинг бадий қадриятларини чуқур англашга ва пировардида бадий маданият орқали унинг менталитетини тушунишга ёрдам беради.

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна (БухДУ доценти,  
филология фаилари номзоди; gmail: gadoyevamavlyuda59gmail.com.)

### АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ВА РУСЧА ТАРЖИМАСИДА СОМАТИЗМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

**Аннотация.** Ушбу мақола Алишер Навоий ғазалларининг инглизча ва русча таржимасида соматизмларнинг ифодаланишига бағишланган. А.Навоий ғазалларининг инглизча ва русча таржималардаги соматизм маънолари ўрганилган.

**Аннотация.** Статья посвящена выражению соматизмов в английских и русских переводах газели Алишера Навои. Изучены значения соматизм в английском и русском переводах газели А. Навои.

**Annotation.** This article is dedicated to the expression of somatizms in the English and Russian translations of Alisher Navoi's gazelles. The meanings of somatizms in the English and Russian translations of A. Navoi's gazelles were studied.

**Калим сўзлар:** соматизм, ғазал, кўкрак, киприк, кўз, бош, лаб, оғиз.

**Ключевые слова:** соматизм, газели, грудь, ресницы, глаза, голова, губы, рот.

**Key words:** somatizms, gazelle, breast, eyelashes, eyes, head, lips, mouth.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ижодий мероси дунё аҳли маънавий юксалишида ва ёшлар тарбиясида ҳаминша самарали восита сифатида хизмат қилиб келган. Шунинг учун шоир шеърлари ўзбек тилидан дунёнинг бир неча, жумладан, унга оиласи нуктаи назаридан ноқардош ҳисобланган рус ва инглиз тилларига ҳам таржима қилинган. Албатта, эски ўзбек тилида, шеърини кўринишда, аруз вазнида яратилган Алишер Навоий ғазалларини аслиятга мувофиқ таржима қилиш мураккаб иш. Шундай бўлса-да, бу борадаги уринишлар ўзини оқлай олган.

Буни бевосита шоир шеърларида кенг қўлланилган соматизмларнинг – инсон тана аъзолари номининг таржимада сақланиши ва берилиши мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. Зеро, бадий нутқда соматик сўзлар ёки таркибан соматик сўзлар иштирокида шакланган кўчма маъноли иборалар, идиомалар, мақол ва маталларнинг семантикасида фойдаланиб, образлилик яратиш поэтик анъана даражасига кўтарилган адабий ҳодисалардан биридир. Буни ўзбек мумтоз адабиётининг энг йирик вакили Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Шоир “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидаги “Наводир уш-шабоб” девонининг 326-ғазалини бевосита соматизмлар иштирок этган қуйидаги мисралар билан бошлайди:

*Кўкрагимдур субўнинг пироханидин чокрок,*

*Кирпиким шабнам тўкилган сабзадан намнокрок.*<sup>3</sup>

Кўкрак тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкс бўлиб, шоир уни *кўчма маънода юрак, дил* тушунчасида қўллаган. Киприк эса кўз қовоқлари четида қатор жойлашган туклар бўлиб, улар кўринишига кўра қуюк ёки сийрак, узун ёки қалта, қайрилма, ўсик, сурмали тарзида сифатланади. Эски ўзбек тилида *киприк* сўзи метатеза асосида, яъни таркибидаги товушларнинг ўрнини алмаштириш орқали *кирпик* тарзида талаффуз қилинган ва ишлатилган. Шунинг учун Навоий ғазалида ҳам *кирпик* сўзи қўлланган. Шоир киприкни сабзага (нозик ниҳолга) ўхшатган.

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л., 1979.

<sup>2</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 334-бет.

<sup>3</sup> Навоий Алишер. Кўкрагимдур... “Жаҳон адабиёти”, адабий-баддий, ижтимоий-публицистик журнал, 3, 2016, март, 5 – 6-бетлар.

Ўзбек тилида *киприк* иштирокида ҳосил бўлган иборалар ҳам мавжуд. Бунга *киприк қоқмоқ*, *киприк қоқмаслик* каби ибораларни мисол қилиш мумкин. Агар одам киприкларини юмиб-очмай, кўзи очик ҳолда киприкларини кимирлатмасдан бирор нарсага диққат билан тикилиб жим турса, бу ҳолат *киприк қоқмай турмоқ деб юритилади*.

*Киприк қоқмоқ* эса юқори ва қуйи киприкларини юймоқ, юмиб очмоқ ҳолатини англатади.

Баъзан *киприк* сўзи ўрнида унинг олинма синоними *мижгон*, *мижжа* сўзлари ҳам қўлланиши кузатилади. Шундан *мижжа* сўзи кўпроқ киприк остини англатади. *Мижжа қоқмаслик* эса *уйқусизлик*, *бедорлик*, *кўз юммаслик* маъноларини англатиб келади.

Алишер Навоий ғазалининг кейинги мисраларида такрорнинг олдини олиш мақсадида киприк сўзи ўрнида мужгон сўзини ишлатган:

*Уйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк –  
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.*

Юқоридаги мисраларни А.Сендик қуйидаги кўринишда рус тилига ўгирган:

*Грудь моя окрававленной, чем рассветные небеса,  
Ресницы мои влажней травы, на которой роса.*

Кўринадики, мутаржим ушбу байтни сўзма-сўз таржима қилган. Ўзбек тилидаги *кўкрак* сўзини рус тилида унга муқобил келадиган *грудь*, киприк сўзини эса *ресница* сўзи билан ифода этган. Бунинг натижасида *кўкрак* сўзининг шоир қўллаган юрак, дил тушунчасидаги кўчма маъноси сақланмаган.

Худди шу байтнинг инглизча таржимасини Н.Қамбаров қуйидагича амалга оширган:

*My heart is torn like a dress of morning,  
And my eye-lashes are wetter than the grass dew.*

Байтнинг инглизча таржимасида ҳам сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланган. Таржимон *кўкрак* сўзини инглиз тилида *heart* сўзи билан бериши натижасида унинг аслиятдаги кўчма маъносини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Киприklar сўзи эса *eye-lashes* сўзлари билан ифода этилган. Натижада аслият билан таржимада қўлланган сўзларнинг тузилишига кўра кўриниши ўзгаришга учраган. Аслиятда қўлланган содда туб сўз таржимада кўшма сўз билан ўрин алмашган.

Шуниси муҳимки, ҳар иккала таржимон аслиятдаги “Менинг кўкрагим (юрагим) тонгнинг кўйлагидан ҳам ямоқлироқдир, кипригим эса шабнам тўкилган майсадан кўра намлироқдир. Кўз ёш дури киприк ханжарига шундай ёпишганки, бу худди ханжардан кўркмайдиган ботир кишини эслатади” деган мазмунни бера олган.

*Чарх ҳажрингда яқиндур бошимга емрулгай  
Кўр нелар келтирадур бошимга даврон сенсиз.<sup>1</sup>*

Алишер Навоий ушбу байтида “Айрилиқ шундай давом этадиган бўлса, яқин кунларда бу фалак менинг бошимга қулаб тушса керак, кўргилки, бу даврон бошимга сенсиз не кунларни сол-япти” демоқда. Шу байт Аъзам Обид таржимасида қуйидагича ўқилади:

*The heaven might fall on my head from the bitterness of parting  
See, what will these days at last for me transmit without you.<sup>2</sup>*

Юқоридаги байтнинг икки ўрнида бош сўзи келтирилган бўлса-да, унинг инглиз тилидаги таржимасида фақат бир ўринда *boш* сўзи **head** сўзи орқали ифода этилган. Бу ғазалнинг русча таржимасида эса худди шу байт тушириб қолдирилган. Бунинг натижасида эса мазкур ғазалнинг ҳам байт қурилишига, ҳам асосий мазмун-моҳияти очиб берилишига зарар етказилган.

*Бош* сўзи одам ёки ҳайвонларнинг бўйиндан юқориги, олдинги қисмини англатади. Шевада *калла* сўзи унга синоним сифатида ишлатилади. Ўзбек тилида *бош* сўзи иштирокида ҳосил бўлган (*боши осмонга етмоқ*, *боши қотмоқ*, *бош кўтармоқ*, *бошга тушмоқ*, *бошга солмоқ*, *бошига ёғдирмоқ*, *бошидан ўтказмоқ*, *бошдан кечирмоқ* ва *ҳоказо сингари*) қатор иборалар мавжуд. Алишер Навоий ушбу байтида улардан *бошга тушмоқ*, *бошга солмоқ* каби иккитасини ишлатган. Улар кўмагида шоир лирик қаҳрамоннинг ишқ йўлидаги изтироблари ва ҳис-туйғуларини юксак ва бетакрор акс эттиришни кўзда тутиб, *бошимга емрулгай* иборасини ҳаётда пешонасига ёзилган тақдир (*бошга тушмоқ*), *бошга келтурмоқ* иборасини оғир қийинчиликка, азобга дучор қилмоқ (*бошга солмоқ*) маъносида қўллаган.

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Сенсиз... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, 10-бет.

<sup>2</sup> А.Навоий. Without you. 13 бет, № 12, 2016, декабрь.

Алишер Навоийнинг қуйидаги байтларида *лаб*, *огиз*, *бош* каби соматик сўзлардан фойдаланилган. Жумладан:

*Мен киму нўши лабингдан истамак қути ҳаёт,  
Айласа гамзанг синони қатл бу миқдор бас.  
Эй кўнгул, гамгин эсанг кўп, қуйса соқий оғзингга  
Зарфни, сипқармагунча қилмагил зинҳор бас.  
Юз бало келса бошингга сабр қилгил, эй кўнгул,  
Ё халойиқ ихтилотни қил Навоийвор бас.<sup>1</sup>*

Мазмуни: “Мен ким бўлибманки, сенинг лабинг бўсасидан ҳаёт неъматини истасам! Гамзанг мени қатл этса, шу етарли. Эй кўнгил, агар қайғуда бўлсанг-у соқий оғзингга май куйса, жомдаги май тугагунча тўхтамасдан ичавер! Эй кўнгил, бошингга юз бало келса ҳам, сабр қил ёки Навоий каби халойиққа аралашиб юришни бас қил!”

Алишер Навоий яшаган даврда *лаб* сўзи *дудок*, *ирн* каби ҳозирги тил учун архаик сўзлар саналувчи луғавий бирликлар билан синоним (шакли ҳар хил, аммо маъноси бир хил) сифатида тенг ишлатилган. Лекин Навоий поэтик нутқида кўпинча *лаб* сўзининг қўллангани кузатилади. Шу байтнинг русча таржимасида *лаб* сўзи унга муқобил келувчи *губ* сўзи билан тўғри алмаштирилган бўлса-да, *огиз* сўзи тушуриб қолдирилган. Аслиятдаги мавҳум отдан иборат *кўнгил* сўзи ўрнида аниқ от бўлган *юрак* сўзи қўлланилган:

*Во мне нет дерзостной мечты коснуться губ твоих –  
Твоей улыбки озорной – достаточно.  
Пусть кравчий льет в бокал вино багровое –  
Забьется влагою хмельной – достаточно.  
Умер, о сердце Навои, свои стенания –  
Боль обнажать перед толпой – достаточно.*

Мазкур байтнинг инглиз тилидаги таржимасида эса *лаб* (lip) сўзи қўлланмаган. “Эй кўнгул” ундалмаси “Oh my heart” кўринишида берилган. *Огиз* соматизми *mouth* соматизми билан ифода қилинган:

*Oh my heart, if you are sad and a toastmaster  
Will pour wine into your mouth.  
Do not stop to drink up the wine till the last drop,  
Oh my heart, be patient even if you have a lot of misfortune.  
Or disconnect your relations with people like Navoi,  
Therefore I can't say to my beloved to be faithful.*

Кўринадики, аслиятдаги “бошга бало келмоқ” ибораси русча ва инглизча таржималарда сақланмаган. Қолаверса, аслиятдаги *юз* сўзи соматизм эмас, балки миқдор тушунчасини билдирувчи сон сўз туркумидаги *юз* рақамидир. Улар ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган омоним сўзлар ҳисобланади. Келтирилган байтда *юз бало* кўп бало маъносини англатади.

Навбатдаги байтда *юз* сўзи соматизм сифатида эътиборни тортади. У орқали байтда “*Юзим остонангни ўпай деб тупроққа айланиб кетмиш, ҳолимга раҳм қилиб, шунча ранжимга бир мурувват кўрсат, бу ранжларимни беҳудага чиқарма*” мазмуни ифода этилмоқда:

*Туфроғ ўлмиш, мен қўяй деб осмонбўсунгга юз,  
Ҳолима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.<sup>2</sup>*

Аммо шу байтнинг русча таржимасида *юз* сўзининг сақланмаганини кузатиш мумкин:

*Я стал бы прахом, лишь порог мне твой поцеловать,  
О, сжался сделай для меня, стоб миг такой настал.*

Лекин худди шу байтнинг инглизча таржимасида *юз* сўзи сақланган бўлиб, ўзига мос муқобили *face* сўзи билан берилгани кўзга ташланади:

*My face turns into dust when I want to kiss your threshold,  
be merciful, be generous, and do not make me angry for nothing.*

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Хўблаб минг бўлсалар... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, № 2, 2016, февраль, 3, 5, 6-бетлар.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Бедилинг хайрли Русул. “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, № 7/230, 2016, июль, 3, 6, 7-бетлар.

Мумтоз шеърятда, жумладан, Навоий лирикасида энг кўп қўлланадиган соматизмлардан бири **бағир**дир. Ўзбек тилида бағир сўзининг бир неча маъноси бор. 1. Ўз маъноси: **жигар**. 2. **Кўчма маъноси**: а) тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкрак, кўкс, тўш; б) кучоқ; химоя, паноҳ; ён; в) улкан, чўзилган худудли макон, фазо; кўйин, кучоқ; г) жуғрофий худуднинг ён, нишаб томони. 3. Поэтик маъноси: юрак, қалб, дил.

Ҳозирги ўзбек тилида бағир сўзи иштирокида ҳосил қилинган *тоғ бағри, шаҳар бағри, сукунат бағри, коинот бағри, бағрига олмоқ, бағрига босмоқ, бағри қон, бағри хун, бағри совуқ, бағри қора, бағри қаттиқ, бағри кенг, бағри эзилмоқ, бағри куймоқ, бағри ярим, бағри бутун, бағри доғли, бағри кабоб, бағрини кўтариб олмоқ* сингари бир қатор кўчма маъноли бирикмалар, турғун иборалар кенг қўлланади. Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида “бағирни ёрмоқ” ибораси қўллангани эътиборни тортади:

*Жон риштасини чирмадим ўқунгга, войким,  
Тигинг бағирни ёрдию тикмакка тор йўқ.<sup>1</sup>*

Мазмуни: “Жонимнинг риштасини сенинг ўқингга боғладим, лекин додки, сенинг тигинг (ханжаринг) бағримни ёрди, аммо бу жароҳатни тикишга бир ип топилмади”.

Русча таржимаси:

*Душа послушной нитью вьется вокруг твоей стрелы.  
И кровь из раны сердца льется. Защить – так нити нет.*

Инглизча таржимаси:

*I tied my heart to your arrow, to who can I wail now,  
Your edge cut my flesh and blood – no thread to renovate.*

Аслиятдаги *бағир* сўзи рус ва инглиз тилига таржима жараёнида *юрак* маъносини англаувчи *сердца/heart* сўзлари орқали берилган. Тўғри, ўзбек тилида *юрак* сўзи *бағир, қалб, дил* сўзларига синоним сифатида қўлланади. Ҳатто *юрак-бағир* сўзлари яқин маъноли сўзлар сифатида жуфтлашиб ҳам келади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *юрак* сўзининг қуйидаги бир неча маъноларда қўлланиши кўрсатилган: 1. Анатомик атама сифатида одам ва ҳайвонлар кўкрак қафаси ичида жойлашган, уларнинг қон айланиш системасидаги мускул қопчиққа ўхшаш марказий аъзо. 2. Кўчма маъноларда: а) кишининг ҳис-сезгиси, руҳи, кечинмаларининг рамзий маркази, улар сақланадиган жой; қалб, дил; б) кўрқмаслик, жасорат ва шу қабилар рамзи; в) бирор нарса-нинг асоси, маркази.

Ўзбек тилида *юрак* сўзи иштирокида шаклланган жуда кўплаб иборалар учрайди. Бунга *юраги ачимоқ (ёки юраги ачишмоқ), юраги куймоқ, юраги оғримоқ, юрагини оғритмоқ, юрагини олмоқ, юрагини забт этмоқ, юраги бетламаслик, юраги бетламоқ, юраги ботинмоқ, юраги ёрилмоқ, юраги жиз (жиг) этмоқ, юраги шув этмоқ, юраги зир этмоқ, юраги зир титрамоқ, юраги сезмоқ, юраги йўқ, юраги кенг, юраги тор, юраги қора, юраги орзиқмоқ, юраги орқасига тортмоқ, юраги дукилламоқ, юраги ўйнамоқ, юраги пўкилламоқ, юраги тўхтамоқ, юраги урмоқ, юраги тепмоқ, юраги сиқилмоқ, юраги така-пука бўлмоқ, юраги типирчиламоқ, юраги тошмоқ, юраги ёрилмоқ, юраги тутдай тўкилмоқ, юраги увушмоқ, юраги чиқмоқ, юраги чопмоқ, юраги шув этмоқ (ёки юраги шиг этмоқ), юраги қинидан чиқмоқ, юраги қон, юраги хуноб, юрагига сигмаслик, юраги кўтаролмаслик, юрагига қўл солмоқ, юрагида кири йўқ, юрагини бўшатмоқ, юрагини ёрмоқ, юрагини очмоқ, юрагини тирнамоқ, юрагини чангалламоқ, юрагини эзмоқ, юрагини ҳовучлаб турмоқ, юрак олдирмоқ, юрак ютмоқ, юрак безовталиги, мамлакатнинг юраги, юраги гижимлаши, тоза юрак қабиларни мисол қилиш мумкин. Бундан ташқари, тилимизда *юракўйноқ, юракбуруғ, юракоғриқ* сингари кўшма ясама, *юракдош, юракли, юраксиз, юраксизлик, юраксинмоқ* сингари содда ясама ҳамда *юракзада каби туб содда сўзлар* ҳам учрайди.*

“Жигар” сўзи ўзбек тилига форс-тожик тилидан олинган бўлиб, асл туркий тилдаги бағир сўзига синоним ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *жигар* сўзининг қуйидаги маънолари кўрсатиб ўтилган: 1. Анатомик термин сифатида одам ва ҳайвонларнинг ўт (сафро) ишлаб чиқарадиган, организмда моддалар алмашинувини таъминлайдиган ички аъзоси номини англатади. 2. Инсонлар овқат сифатида (*қовурма жигар, жигар кабоб каби*) ишлатадиган ҳайвонларнинг шу аъзоси. 2. Кўчма маънода энг яқин киши, туғишгандай яқин биродар; фарзанд.

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Эл дарди ёрдин кам ўлур... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, № 10/233, 2016, октябрь, 3, 5, 6-бетлар.

Шуниси эътиборлики, ўзбек тилида жигар-бағри сўзлари ҳам худди юрак-бағри каби жуфтлик ҳосил қилиши кузатилади. Жумладан, халқ орасида *жигар-бағри эзилмоқ* ёки *юрак-бағри эзилмоқ*, *жигар-бағридан урмоқ* ёки *юрак-бағридан урмоқ*, *жигари сув бўлмоқ*, *жигари хун бўлмоқ*, *жигари куйган*, *жигари ёнган* каби иборалар, *жигарбанд*, *жигаргўша*, *жигарпора*, *жигарранг*, *жигарсўхта*, *жигархун*, *жигарчилик сингари сўзлар учрайди*.

Бундан хулоса қилиши мумкинки, таржимада ўзбек тилидаги бағир сўзини жигар, юрак сўзлари билан ифодалаш хатоликни келтириб чиқармайди.

Агар ўзбек тилида *лаб соматизми* икки бор такрор қўлланиб, “лаболаб” кўринишида ишлатилса, идишининг лаби, унга суюқлик солиши меъёри ва чегарасини англатиб келади. Бунга Алишер Навоий ижодидан қуйидаги байтни мисол қилиши мумкин:

*Дўстлуқ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,*

*Қайси жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар!*<sup>1</sup>

“Эй дўстлар, дўстлик кўрсатиб, менга ҳар дам лабигача май билан тўла жомни беринг, чунки хумор дарди жонимга қасд қиляпти” мазмунидаги ушбу байт рус ва инглиз тилларига қуйидагича таржима қилинган:

*Прошу вас, содвиньте фиалы с вином, пожалейте меня,*

*Я полон безмерною жаждой – и неуголенной – друзья!*

Инглизчаси:

*Be my friend and from time to time put a glass into my **mouth**,*

*Craving tries to assassinate myself sans satisfaction, hey friends (p. 6)*

Аслиятда ҳамда русча таржимада оғиз сўзи ишлатилмаган бўлса ҳам, инглизча таржимада мутаржим *mouth/оғиз сўзини* қўллаган.

Хулоса қилиб айтганда, соматизмлар ўзбек тилида инсон тана аъзоларининг номларини ифодалаб келувчи луғавий бирликлар бўлиб, алоҳида ўринга эга. Улар ўзбек тили луғат бойлигининг муҳим қисми сифатида тил ва нутқда коннотатив ёки денотатив маъноларда қўлланиб келади, шунинг учун уларнинг таржимаси алоҳида эътиборни талаб қилади.

---

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Эй дўстлар... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, № 8, 2016, август, 3 – 6-бетлар.